

# Ёшлик одобларидан бири ёши улуғларни эҳтиром қилиш...

05:00 / 06.03.2017 3864

**Ёшлик одобларидан бири ёши улуғларни эҳтиром қилиш ва  
уларнинг тажрибасидан фойдаланишдир.**

Ёшлар ўзидан катта ёшдаги ҳар бир кишини, хусусан, қари ёшдаги отахон ва онахонларни эҳтиром қилиши зарурлиги динимизда катта аҳамият берилган одоблардан биридир. Ушбу ҳақиқат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифларида ўз ифодасини топгандир.

سَيَلَفَ أَنْرِي بَكَ قَحْفُوعِي وَأَنْرِي عَصْمُ حَرِي مَلْمُومَ لِقَائِي بَلَلِ نَعَى، عَرِي رَهْ بِي أَبَانِ  
بَدَأَ الْيُفْرَاخُ بَلْ أَوْرَ.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким кичигимизга раҳм қилмаса ва каттаимизнинг ҳаққини билмаса,  
биздан эмас», дедилар». Бухорий «Адабул-муфрад»да ривоят қилган.**

Барча мусулмонлар, хусусан, ёшлар катталарнинг ҳурматини, эъзозини жойига қўйишлари лозим. Бу иш мўминликнинг рамзи, Ислом жамияти аъзосининг белгисидир. Катта ёшдагиларга ҳурмат кўрсатмаган одам ана шу муборак рамзни йўқотади. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бундай одам биздан эмас», деяптилар. Буни яхши англаб, амал қилишимиз, катталарга ҳамиша ҳурматда бўлишимиз керак.

رِيغَ نَارُ قَوْلِ لِمَ أَحْوَاءِ مَسْمُومَةَ بِي شَلَا يَدَمَ أَرْكَهَ لَلِ لِحْجَانِ نَعَى، لِقَائِي رَغَشْ أَلِ نَعَى  
يُفْرَاخُ بَلْ أَوْرَ طَسُقُ مَلْمُومَ لِنَاطِلْ سَلَا يَدَمَ أَرْكَهَ، نَعَى يَفْرَاخُ لَلِ أَوْرَ يَفْرَاخُ لَلِ  
بَدَأَ الْيُفْرَاخُ

**Ашъарий айтади:**

«Соч-соқоли оқарган мусулмонни, Қуръонни ёд олган, унда ғулувга кетмаган ҳамда унга жафо қилмагани ва адолатли ҳукмдорни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдандир».

Бухорий «Адабул-муфрад»да ривоят қилган.

Демак, соч-соқоли оқарган мусулмон кишини икром қилиш, ҳурматини жойига қўйиш Аллоҳ таолони улуғлашнинг бир кўриниши экан. Ҳар бир ёш бу ҳақиқатни зинҳор унутмаслиги ва кекса кишиларнинг эҳтиромини жойига қўйиши зарур.

Шу билан бирга, уларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиш ҳам лозим. Чунки кекса кишилар ҳаётнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини татиган, кўплаб воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирган бўлишади. Уларнинг тажрибаларини ўрганган кишилар катта фойдага эга бўлишлари табиий. Кексаларнинг тажрибасини ўрганиш жараёнида ёшлар улар йўл қўйган ҳатоларни такрорлашмайди ва улар қийналиб эришган ютуқларга осонлик билан эришадилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларнинг кексалардан тажриба ўрганиши туфайли ёшликнинг қуввати билан кексаликнинг ҳикмати қоришиб, катта манфаатлар қўлга киритилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Ижтимоий одоблар китобидан)